

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги “Кўп хонадонли уйларни, мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Сирдарё вилоят худудий филиали номидан Низом (Устав) асосида иш юритувчи корхона раҳбари **З.С.Абдугафоров** бир томондан, “**TEMURBEK MEGA CONSTRUCTION**” МЧЖ (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан Низом (Устав) асосида иш юритувчи корхона раҳбари **Эшбаев Араф Шербаевич** иккинчи томондан, Гулистон шаҳар Шодлик МФЙ Навойи кучаси 56-уйни фасадини капитал таъмирлаш ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект (қуриш, қайта қуриш ва мукамал) таъмирига ишчи чизмалар туркуми, ер ишларида тегишли ташкилотлардан хулосалар, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

1.2 **беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

1.3 **шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1 Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига бажариладиган ишлар учун зарур шароитлар яратиш, бажарилган ишларни қабул қилиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган, электрон танлов савдоси натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил «11» мартдаги баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати ушбу объект тўлақонлигигача фойдаланишга топширилишида ҚҚС дан ташқари **ҚҚС билан 232 998 000 (Икки юз уттиз икки миллион туккиз юз туксон саккиз минг) сўмни ташкил этади.**

3.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

3.3 объектнинг қайта қуриш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

3.4 амалдаги қонунчиликка ўзгартириш киритилиши натижасида, шартномада кўрсатилган суммага қонунчиликка мувофиқ ўзгартириш киритиш зарур бўлган ҳолларда;
ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларини сўзсиз бажаради

4.2 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи, шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

4.3 Объектдаги қурилиш ишлари бошланишдан олдин объектда қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш даври учун, буюртмачи иштирокида қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўлаётган ва ундаги мавжуд элементларини далолатнома асосида объектдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул қилиб олади ва таъмирлаш ишлари яқунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади. Пудратчи томонидан қурилиш ишлари олиб борилаётган даврда ушбу объект қисмидаги элементларини сақлаш ишларини амалга оширади;

4.4 Ушбу қурилиш объектини қуриш даврида электр энергияси, сув ва табиий газдан фойдаланиш зарурияти бўлган тақдирда белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан шартонома тузиш, тўловларини амалга ошириш, зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли хулосаси

асосида амалга оширилиши мумкин, хар қандай иш туридаги ушбу ўзгаришлар юзасидан Буюртмачини хабардор қилиш;

4.5 смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича қурилиши мумкин ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин ва ушбу иш турлари танлов иш ҳажмларида бўлса нархлари танлов нархларидан олинмиши, агарда танловда бўлмаса смета-ҳужжатларидаги нархлардан олинми, бажарилган ишлар ҳисоб-фактурасида кўрсатилиши лозим.

4.6 объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

4.7 шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

4.8 барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

4.9 объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни амалга оширади;

4.10. зарур ҳолларда қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуради;

4.11. қурилиш майдонида техника ва ёнғин хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

4.12. мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик биноларни бўшатади;

4.13. қурилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

4.14. Ойма-ой ёки бир ой давомида бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари юзасидан мониторинг ҳолатда ҳисоб-фактурасини ойнинг 25 санасигача Буюртмачига тақдим қилади;

4.15. Объектда қурилиш ва таъмирлаш ишлари тўлиқ тугатилгандан кейин бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари юзасидан ҳисоб-фактурани тўлиқ тақдим қилади;

4.16. мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.17. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавобгар ҳисобланади.

4.18. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда бажарилган иш ҳажмларига тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

4.19. Пудратчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларнинг барча ҳажмини шахсан ўзи бажаради, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно;

4.20. Шартномада назарда тутилган ишларнинг тўлиқ ҳажмига кўра 60% кам бўлмаган миқдорини ўзи ва қолган 40% дан ошмаган қисмини ёрдамчи пудратчи томонидан амалга оширилишига рухсат беришини сўраб “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Сирдарё вилоят ҳудудий филиали раҳбарига қилинган мурожаатга кўра ундан розилик хати олинганда;

4.21. Пудрат ташкилоти юқорида таъкидлаб ўтилган “Розилик хати”ни олиш учун, умумий иш бошланишидан олдин “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Сирдарё вилоят ҳудудий филиалига “Мурожаатнома” билан мурожаат қилиши шарт;

4.22. Мазкур мурожаатномага ёрдамчи пудратчи ташкилотига доир ҳужжатларни илова қилиши, агарда ушбу ёрдамчи пудратчи ташкилот ишини тўлиқ ва сифатли бажаришига шубҳа бўлиб, ишнинг бир қисмини бажаришга розилик хати берилмаган яъни рад жавоби берилган тақдирда, бошқа ёрдамчи пудратчи ташкилотлар бўйича таклифлар бериши ёки ўзи шахсан бажариши лозим.

4.23. Ушбу шартнома кучга кирган кундан бошлаб, қурилиш ишлари амалга ошириладиган жойлар ва унга туташ бўлган ҳудудларда барча турдаги хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя қилинишини таъминлашга жавобгар ҳисобланади.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

5.2. Ишлар бажарилиши устидан доимий техник назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

5.3. Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

5.4. молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

5.5. мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатларини тақдим этиш.

5.6. мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Пудратчи мазкур шартномани имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Пудратчи объектда қуриш ва таъмирлаш ишларини тугатиб, объектни сифатли ва тўлиқ қилиб (тегишли барча ҳужжатлар билан бирга) фойдаланишга топширади. Молиялаштириш ёки Буюртмачига тегишли бошқа сабаблар бўлганда Сирдарё вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ишчи танлов комиссиясининг қарорига асосан қурилиш ва таъмирлаш ишлари муддатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

6.3. Пудратчи ишларни **40** кунда амалга оширади.

6.4. Ишларнинг бошланиши молиялаштириш очилган кундан бошлаб ҳисобланади.

6.5. Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 2021 йил 31 декабр.

6.6. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш (1-илова) ва молиялаштириш (2-илова) жадваллари асос ҳисобланади.

7.2. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича жорий (режалаштирилган) йилнинг иш қийматининг 30 фоиз миқдорига, бир ойга 30 фоиз аванс маблағи тулаб беради. Бу **69 896 400 (Олтмиш тўққиз миллион саккиз юз тўқсон олти минг тўрт юз) сўми** ташкил этади.

7.3. Буюртмачи ва Пудратчи ҳар ойда бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишларини "Маълумотнома-ҳисоб-фактура" билан расмийлаштирилади, бунда ишларнинг конструктив элементлари (турлари) бўйича физик ва қиймат кўрсаткичлари 1-иловага асосан акс эттирилади ва "Маҳаллий буюджет ва вазирликнинг жамғармаси" томонидан маблағ ажратилгандан сўнг 2-иловага асосан молиялаштирилади.

7.4. Жорий молиялаштириш ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан берилган аванс миқдорини ушлаб қолиб, объектнинг шартномавий қиймати 95 фоизи миқдорига амалга оширилади.

7.5. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Объектнинг шартномавий бажарилган ишлар қийматидан 5 фоиз миқдоридаги маблағ мазкур шартномада белгиланган қарор муддати (объектга тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб тақдим этилгандан) тугагандан сўнг, лекин қарор муддати тугаган молиявий йил якунланмасдан олдин молиялаштирилади.

7.7. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб **10** кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама ўрнатилган тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

7.7.1. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 637-моддасига асосан пудратчининг тежами тарафлар ўртасида тенг тақсимланади. Яъни Пудратчининг амалдаги харажатлари иш баҳосини аниқлаш вақтида (смета тузилаётганда) назарда тутилган харажатлардан кам бўлган ҳолларда, башарти пудратчининг тежами бажарилган иш сифатига таъсир этмаган бўлса пудратчининг тежами пудратчи ва буюртмачи ўртасида 50/50 кўринишида, яъни тенг тақсимланади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи объектда ўз вақтинини - техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар ҳажми ва сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўқиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш объектда ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. Пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 15 кундан 25 кунгача объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган тартибда ижро ҳужжатлари билан) ойнинг **28** кунига қадар бажарилган ишлар ҳисоботини "Кўп хонадонли уйлари мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Сирдарё вилоят худудий филиалига топширади.

8.5. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.6. Объектда умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.8. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

8.9. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.10. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашсини схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.11. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.12. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.13. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилади.

8.14. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади. Ишларни қуйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади: Буюртмачининг вакили – техник назоратчи (раис), пудратчи ташкилот вакили – иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), объектга хизмат кўрсатадиган юқори ташкилотни вакили, лойиҳа ташкилотни вакили (кўтарил турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда). Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.15. Пудратчи Буюртмачининг қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.17. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.18. Объектда қурилиш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралик ишларни қабул қилиб олишда Буюртмачи томонидан комиссия таркибда иштирок этиш учун ушбу объектдан фойдаланувчи ташкилотни жалб этилиши мумкин.

8.19. Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш буюртмачи ва пудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишларни ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

8.20. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

8.21. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди.

8.22. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, кунлик ўртача ҳаво ҳарорати ва ёгингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

8.23. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

8.24. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва қайта қуриш ишлари тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудинда материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

Х. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қургоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий- иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шаронтларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдин олинб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлардир.

10.2. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундан қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

10.3. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.4. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.5. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

ХI. ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Қурилиш объекти ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин жамоатчилик комиссияси томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

11.3. Пудратчи ташкилот жамоатчилик комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;
- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

11.4. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

11.5. Пудратчи қайта қуриш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.6. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда объектлардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

ХII. КАФОЛАТЛАР

12.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

12.2. смета ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

12.3. ўзи томонидан қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг смета ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

12.4. смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турларига смета-ҳужжатларини тайёрлатиш;

12.5. шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни;

12.6. объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.7. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қайта қуриш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.8. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати

нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

12.9. Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

12.10. Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

12.11. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича тегишли судига мурожаат қилишнинг истисно этмайди.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1 Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

13.2. ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

13.3. Пудратчи томонидан бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишларига бажарилганлиги юзасидан ҳисоб-фактурасини расмийлаштириб бир ой ичида топширилмаган ҳолда;

13.4. Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

13.05. Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.6. Пудратчи:

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.7. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган таъмирлаш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

13.8. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.9. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.10. Шартнома куйидаги ҳолатлардан бирон-биттаси мавжуд бўлганда, шартнома буюртмачи томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин;

13.11. Шартнома шартларига риоя қилинмаганда ёки шартнома шартлари бузилганда ёхуд бажарилмаганда шунингдек сифатли бажарилмаганда;

13.12. Пудратчи шартномада келтирилган ишларни камида 70%ни шахсан ўзи бажариш учун етарли куч ва воситаларга эга эмаслиги маълум бўлган вақтдан бошлаб;

13.13. Пудратчи шартномада назарда тутилган ишларнинг тўлиқ ҳажмига кўра 60% кам бўлмаган миқдорини ўзи ва қолган 30% дан ошмаган қисмини ёрдамчи пудратчи томонидан амалга оширилишига рухсат беришини сўраб "Кўп хонадонли уйларни, иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК директориغا мурожаатнома ёзиш тартибини бузганда, яъни мурожаатнома умумий иш бошланишидан олдин ёзилмаганлиги;

13.14. Пудратчи умумий иш бошланишидан олдин ўз имкониятлари умумий иш ҳажмининг 60%ни шахсан ўзи томонидан амалга оширишга етмаслигини яширганлиги.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

14.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.3. Қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бораётган Пудратчи ташкилот қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ буюртмачи олдида куйидаги ишлар бўйича мулкый жавобгардир:

- сифатсиз бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари;

- объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;

- буюртмачи билан тузилган шартнома асосида қурилиш ва таъмирлаш ҳамда бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж қилиш муддатлари бузилиши;

- объектнинг смета ҳужжатларида белгиланган ерларни рекультивация қилиш ишлари бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;

- қурилиш ва таъмирлаш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ҳамда нуксонларни бартараф этишни орқага суриш;

- шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.4. Пудратчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида Буюртмачи, агар қонунчилик ёки шартномада бошқа шартлар кўзда тутилмаган тақдирда, пудратчи ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- нуқсонларни оқилона муддатларда ўз ҳисобидан бартараф этишни;

